
Тиббиёт бирлашмаси томонидан "Чиркай" маҳалласида "Саломатлик сайллари" ташкилланмоқда

Фурқат тумани "Чиркай" маҳалла фуқаролар йиғинида "Обод хонадон", "Обод кўча" ва "Обод маҳалла" мезонларини жорий этилиб, ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш бир қаторда аҳоли саломатлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маҳалла марказида кўп тармоқли марказий поликлиника мутахассисларидан иборат гуруҳ томонидан берул тиббий кўрик ташкил этилди.

Унда кардиолог, невропатолог, окулист, лор, эндокринолог, ЭКГ, УЗИ каби тор доирадаги мутахассислар аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказишди.

Текширувлар давомида аниқланган касалликлар бўйича аҳолига зарур маслаҳат ва тавсиялар берилди.

Ушбу тадбирлар давомида, 61 нафар гуруҳ ногиронлиги, 32 нафар хомиладор аёллар, 64 нафар 0-1 ёшгача бўлган болалар ҳамда 525 нафар нуронийлар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб тиббиёт бирлашмаси томонидан 215 нафарига 120 хил турдаги дори-дармонлар бепул тарқатилди.

Шунингдек ишчи гуруҳ вакиллари томонидан маҳалладаги нуронийлар ҳолидан хабар олинди, масъулларга хатлов давомида аниқланган гуруҳ ногиронлиги олиш, операциялар ўтказилиши зарур бўлган беморларга вилоят ёки республикага йўлланмалар беришда ёрдамлар кўрсатиш юзасидан вазифалар белгилаб берилди.

Шифокорлар томонидан соғлом турмуш тарғиботи ва касалликлар профилактикаси бўйича аҳолининг тиббий маданиятини ошириш мавзуларида суҳбат ўтказилди.

2023-09-15 08:39:21